
Риштон тумани ҳоқими депутатлар ва туман аҳолисига ўз Мурожаатномасини йўллади

Халқ депутатлари Риштон Кенгашининг XXXI сессияси ўтказилди. Сессияда Риштон тумани ҳоқими Суфҳонжон Солиев, секторлар раҳбарлари, шаҳар Кенгаши депутатлари, сессияда кўрилган масалага алоқадор корхона, ташкилот, идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ва блоггерлар иштирок этдилар. Сессияда Риштон тумани ҳоқими Суфҳонжон Солиевнинг 2021 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларига ҳамда 2022 йилга мўлжаллаган режалари бўйича Мурожаатномасини ўқиб эшиттирди. Мурожаатномада кўтарилган масалалар юзасидан бир қатор депутатлар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Сессияда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Сессиядан сўнг Риштон тумани ҳоқими ва секторлар раҳбарлари матбуот анжуманида иштирок этиб, журналистлар ва блоггерларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

2021-12-17 14:35:55